



# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАХАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 46 (13.379)

Баҳоси эркин нарҳда

## ЎЗБЕКИСТОН ВА ТУРКМАНИСТОН – СТРАТЕГИК ШЕРИК ДАВЛАТЛАР

**Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимухамедовнинг таклифига биноан 6 март куни давлат ташрифи билан Ашхободга келди.**

Таъкидлаш жоизки, бу Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти сифатида хоржий давлатга илк ташрифи. Шавкат Мирзиёев ўзининг сайловолди дастурида, Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш маросимидаги нутқида Ўзбекистон барча давлатлар, биринчи навбатда, қўшни мамлакатлар билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилишни баён этган. Президентимизнинг мазкур давлат ташрифи Ўзбекистон ташқи сиёсатда яхши қўшничилик муносабатларига алоҳида аҳамият қаратаётганини яққол тасдиқлади.

Халқимиз туркман халқи билан азалдан ёнма-ён, ахил-иноқ яшаб келган, бир дарёдан сув ичган. Савдо-сотик қилган, бир-бирининг маданиятини бойитган.

Бу яқинлик мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик ривожига асос бўлмоқда. Ўзбекистон – Туркманистон алоқалари 2007 йилда имзоланган Дўстона муносабатлар ва ҳар томонлама ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш тўғрисидаги давлатлараро шартнома асосида изчил тараққий этмоқда.

Олий даражадаги ташрифлар мунтазамлик касб этгани давлатлараро муносабатлар юксак даражада эканидан далолатдир. Ўзбекистон ва Туркманистон Президентларининг бу галги учрашуви Биринчи Президентимиз Ислом Каримов асос солган ўзаро манфаатли ва фаол мулоқотларнинг мантиқий давоми бўлди.

Ашхободнинг Мустикаллик майдонига расмий кутиб олиш маросими бўлди. Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул шавк саф тортди. Президентлар Шавкат Мирзиёев ва Гурбангули Бердимухамедов фахрий қоровул сафи олдида ўтидилар. Икки давлат мадҳиялари янгради.

Ўғузкан саройида Президентлар Шавкат Мирзиёев ва Гурбангули Бердимухамедовнинг яққол мулоқотлари бўлди. Унда мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва уни янада ривожлантириш истиқболлари, томонларни қизиқтирган долзарб минақаларни ва халқаро масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Шавкат Мирзиёев Гурбангули Бердимухамедовни Туркманистон Президенти этиб қайта сайлангани муносабати билан самимий табриклади. Ўзбекистон билан Туркманистон ўртасида мустаҳкам ҳамкорлик қарор топганини, бу ташриф изчил ривожланиб келаётган ўзаро манфаатли ва фаол мулоқотларнинг мантиқий давоми эканини алоҳида таъкидлади.

Гурбангули Бердимухамедов Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Президенти этиб сайланганидан кейин давлат ташрифи билан биринчи бўлиб Туркманистонга келгани учун миннатдорлик билдириб, бу тарихий воқеа мамлакатларимиз ҳамкорлигига фойдаланилмаган имкониятларни ишга солиш ва алоқаларни янада мустаҳкамлашга хизмат қилишини кайд этди.

Мамлакатларимизнинг сиёсий, савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги ҳамкорлигини ривожлантириш борасидаги мақсад ва ёндашувлари муштараклиги, томонлар минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик масалаларда бир-бирини қўллаб-қувватлаб келаётгани таъкидланди.

Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсати давлатларнинг суверен тенглиги, куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қилмаслик, чегараларнинг дахлсизлиги, ни

золарни тинч йўл билан ҳал этиш, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик ва халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган бошқа қоидалари ва нормаларига асосланади. Туркманистоннинг ташқи сиёсати бетарафлик, тинчликсеварлик, яхши қўшничилик тамойилларига қўрилган.

Ўзбекистон ва Туркманистон халқаро майдонда бир-бирини қўллаб-қувватлаб келмоқда. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Ислол ҳамкорлик ташкилоти, Орол ни кўтариш халқаро жамғармаси ва бошқа халқаро тузилмалар доирасида ҳам изчил ҳамкорлик қилинмоқда.

Мамлакатларимизнинг қўшни Афғонистонда фақат сиёсий йўл билан барқарорлик ўрнатилиши борасидаги фикри ҳам муштарак эканлиги тасдиқланди. Терроризм, экстремизм, наркотрафик ва уюшган жиноятчиликка қарши курашиш, минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлаш юзасидан фикр алмашилди.

Президентлар мулоқоти икки мамлакат расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокарасида давом эттирилди. Унда савдо-иқтисодий, нефть-кимё, транспорт коммуникациялари, қишлоқ хўжалиги, маданият, туризм ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликни янада ривожлантириш масалаларига эътибор қаратилди. Савдо-иқтисодий алоқаларни диверсификация қилиш, экспорт-импорт номенклатурасини кенгайтириш, товар айирбошлаш ҳажмини кўпайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Ўзбекистондан Туркманистонга транспорт воситалари, минерал ўғитлар, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, қурилиш материаллари, электр ва механика ускуналари, металл буюмлар ва турли соҳадаги хизматлар экспорт қилинади. Туркманистондан юртимизга нефть маҳсулотлари, пропилен полимерлари ва бошқа кимёвий товарлар келтирилди.

Мамлакатларимиз ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми мавжуд салоҳиятга мос эмаслиги, уни кенгайтириш учун иқтисодий тармоқларидаги имкониятларни яна бир бор таҳлил этиш зарурлиги таъкидланди.

Ҳуқуқатлараро тадбирлар, ишбилармон доиралар ўртасидаги учрашувлар алоқаларни янада ривожлантиришга хизмат қилмоқда. 2016 йилнинг сентябрь ва шу йил январь ойларида Тошкентда Савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон – Туркманистон ҳукуматлараро комиссиясининг йиғилишлари бўлиб ўтди.

Транспорт соҳаси ҳамкорлигининг устувор йўналишларидан ҳисобланади. Ўзбекистон ҳудуди орқали Туркманистонга, Туркманистон ҳудуди орқали Ўзбекистонга юк ташилади. Мамлакатларимизнинг ўзаро интеграциялашган автомобиль ва темир йўллари учинчи давлатлар учун ҳам транспорт вазиқасини ўтамоқда. Шу жиҳатдан Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислом Каримов ташаббусининг амалий ифодаси бўлган Ўзбекистон – Туркманистон – Эрон – Умон халқаро транспорт-коммуникация коридорини барпо этиш бўйича 2011 йили имзоланган битим геостратегик аҳамиятга эгадир. Давлатимиз раҳбарининг ушбу ташрифи доирасида очиладиган Амударё устида қурилган автомобиль ва темир йўл кўприклари мазкур транспорт йўлининг муҳим қисми ҳисобланади.

(Давоми 2-бетда)

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР БАЙРАМИГА БАҒИШЛАНГАН УЧРАШУВДАГИ НУТҚИ

Ассалому алайкум, азиз опа-сингиллар! Муҳтарам дўстлар!

Аввало, сиз, азизлар билан юртимизга баҳор нафаси кириб келаётган ёруғ кунларда, Халқаро хотин-қизлар байрами арафасида мана шу мухташам қошолада учрашиб турганимдан гоят хурсандман.

Шу қутлуг айём – 8 март байрами билан сизларни, сизларнинг тимсолингизда бутун мамлакатимиз аёлларини, муҳтарам онахонларимиз, кадрли опа-сингилларимиз, гўзал қизларимизни чин қалбимдан мувоқабат этиб, барчангизга ўзимнинг чуқур ҳурмат-эҳтиромим ва эзгу тилақларимни билдиришга ижозат бергайсиз.

Барчамиз учун азиз ва мўътабар бўлган аёл зоти ҳақида сўз юритар эканмиз, авваламбор, бизни дунёга келтирган, оқ сўт бериб воёга етказган Она сиймоси олдида бош эгиб тазим қиламиз.

Эр юзида муқаддас деган сўзга энг муносиб зот бу – аввало, Онадир. Халқимиз она сиймосини доимо улуғлаб, ардоқлаб яшайди. Юртимизда оналарни шарафлаб муҳташам хайкаллар бунёд этилгани ҳам шундан далолат беради.

Биз Она тимсолида Ватанимизни, унинг гўзал ва бетакрор қиёфасини кўрамиз. "Она Ватан" деган ибора бежиз айтилмаган, бунда чуқур маъно бор. Инсонни инсон қиладиган мана шундай юксак тўйғу ва тушунчаларни болаларимиз калбига ёшлаганидан сингирсак, шоирларимиз, рассомларимиз, санъаткорларимиз оналарни, аёлларни тарафдорлик билан янги-янги асарлар яратсалар, нур устига нур бўлур эди.

Аёлни эъзозлаш, аёлга эҳтиром кўрсатиш халқимизга хос олижаноб қадрият ҳисобланади. Биз,

барчамиз қандай касб, қандай лавозимда ишламайлик, қалбимиз, юрагимиздаги жамики эзгу фазилатлар учун сиз, меҳрибон аёллардан умрбод қарздормиз.

Айниқса, сиз, азизларнинг соғлом зурриёд, баркамол авлодни тарбиялаб воёга етказишдаги ўрнигиз ва хизматингизни ҳеч нарса билан қиёслаб, баҳолаб бўлмайди.

Сизларнинг меҳр-муҳаббатингиз, вафо ва савдоқатингиз, фидойилигингиз сабабли ҳаётимиз чароғон. Сизлар туфайли оилаларимизда тинчлик-оқилоллик, кут-бароқа ҳум сураётгани учун барчангизга ҳар қанча тасанно айтсак, арзийди, албатта.

Қадрли юртдошлар! Бугунги кунда Ўзбекистон хотин-қизлари ҳаётимизнинг барча соҳа ва тармоқларида ўзларини тўла намоён этиб келмоқда.

Сизлар давлат ва бошқарув идоралари, вакиллик органларида, ишлаб чиқариш, тадбиркорлик ва фермерлик тармоқларида, ижтимоий соҳаларда самарали меҳнат қилиб, Ватанимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшмоқдасиз.

Бу ҳақиқатни халқимиз, жамиятимиз яхши биледи ва юксак қадрайди.

Ҳозирги вақтда мамлакатимиз хотин-қизлари орасида 514 нафар фан доктори, 6 нафар академик, 15 нафар Ўзбекистон Қаҳрамони, 17 нафар сенатор, 15 нафар Қонунчилик палатаси депутаты борлигини, шунингдек, маҳаллий Кенгашлар депутатларининг 23 фоииздан зиёдини айнан аёлларимиз ташкил этишини алоҳида таъкидлаш лозим.

Унлаб опа-сингилларимиз "Ўзбекистон фан арбоби", "Ўзбекистон халқ шоири", "Ўзбекистон халқ

ўқитувчиси", "Ўзбекистон халқ артисти" сингари давлатимизнинг юксак фахрий унвонларига сазовор бўлганлар. Шулар қаторида 240 нафар ёш истеъдод эгаси Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланган ва уларнинг сафига бу йил яна 15 нафар иқтидорли кизимиз қўшилмоқда.

Биз бугун ўзининг фидокорона меҳнати, эришган улкан ютуқлари, давлат ва жамоат ишларидаги фаол иштироки, ибратли фазилатлари билан халқимиз ўртасида обрў-эътибор қозонган юзлаб опа-сингилларимизнинг номларини ҳурмат билан тилга оламиз.

Айниқса, Ўзбекистон Қаҳрамонлари, қишлоқ хўжалиги соҳаси фидойилари Халчагон Мирзаева, Патилахон Эргашева, Сиёсатхон Абдуллаева, маҳоратли педагоглар Манзура Мадалиева, Мавлуда Исмаилова, Вера Пак, Анора Махмудова, Муҳаббат Шаронова, атоқли навийшунос олимимиз Суйима Ганиева, устоз қишқорлар Малика Абдуллаҳўжаева, Ойшахон Қўчқорова, Онесия Саитова, кўли гул хунармандлар Муяссар Темирова, Мартия Раҳматова барчага ўрнатилган ва намуна бўлиб келмоқдалар.

Шулар қаторида таниқли академикларимиз Машура Мавлоний, Раъно Убайдуллаева, Сайёра Рашидова, Анна Глушенкова, Муҳаббат Абидова, Ўзбекистон халқ шоирлари Ойдин Ҳожиёва, Халима Худойбердиева, Энахон Сиддиқова, Ўзбекистон халқ артистлари Яйра Абдуллаева, Тўти Юсупова, Галина Мельникова, Муножот Йўлчиёва, Гавҳар Зокирова сингари аёлларимиз халқимиз орасида маълум ва машҳурдирлар.

(Давоми 2-бетда)

### Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

## ЗУЛФИЯ НОМИДАГИ ДАВЛАТ МУКОФОТИ БИЛАН ТАҚДИРЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда мўътабар аёл зотига муносиб ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш, уларнинг жамиятимиздаги ўрни ва нуфузини ошириш, соғлом ва баркамол авлодни воёга етказиш, ўзининг иқтидори ва ибратли фаолияти билан ёшларга ўрнак бўлиб келаётган қизларни рағбатлантириш мақсадида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 10 июндаги "Зулфия номидаги Давлат мукофотини таъсис этиш бўйича таклифларни қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги Фармонида асосан:

1. Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси ҳузурдаги Зулфия номидаги Давлат мукофоти комиссиясининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг иқтидорли қизларини аёло ҳулки, ноёб истеъдоди, зуққолиги, ташаббускорлиги, ўқишдаги муваффақиятлари ҳамда адабиёт, маданият, санъат, таълим ва спорт соҳаларидаги алоҳида ютуқлари учун Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирлаш тўғрисидаги таклифлари иловадаги рўйхатга мувофиқ маъқуллансин.
2. Зулфия номидаги Давлат мукофоти бўйича кўзда тутилган 14 та мукофот ўрнига 2017 йил учун истисно тариқасида Қорақалпоғистон Республикасининг 2 нафар, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг 1 нафардан вакилларига – жами 15 та мукофот берилиши белгилансин.
3. Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланганларга 8 март – Халқаро хотин-қизлар байрамига бағишлаб ўтказиладиган тантаналарда совриндорлик дипломлари ва кўкрак нишонлари топширилсин.
4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирилик Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорларининг ҳар бирига энг кам ойлик иш ҳақининг 50 баравари миқдорда пул мукофоти берилишини таъминласин.
5. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ҳамда Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигига Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибаларининг ибратли фаолияти, уларнинг ноёб истеъдоди ва эришган ютуқларини кенг ёритиб бориш тавсия этилсин.
6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Т.Норбоева зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2017 йил 3 март



## ОИЛА ЧАРОФБОНИ, ЖАМИЯТ КЎРКИ

**Баҳорнинг илк кунларида хотин-қизлар байрамининг нишонлинишида ҳам ажиб бир рамзий маъно борга ўхшайди. Зеро, баҳор ҳам, аёл ҳам гўзаллик, нафосат ифодасидир.**

Шу кунларда бутун мамлакатимиз бўйлаб 8 март – Хотин-қизлар куни умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланмоқда.

Пойтахтимизда ўтган байрам тадбирига Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳридан турли соҳаларда меҳнат қилаётган илғор аёллар таклиф этилди.

Байрам иштирокчилари Мустикаллик ва эзгулик монументи – Бахтиёр она хайкали пойга гуллар қўйди. Пойтахтимизда амалга оширилган улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан танишди. Ўзбек Миллий академик драма театрида "Йимон" спектаклини томоша қилди.

"Наврўз" давлат қабуллар уйида 8 март – Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан тантанали байрам тадбири бўлиб ўтди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев тадбирда иштирок этиб, мамлакатимиз хотин-қизларини ушбу айём билан табриклади.

Давлатимиз раҳбари адабиёт, санъат, фан, таълим, маданият, спорт соҳаларида эришган алоҳида ютуқлари учун Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланган 15 қизга ана шу юксак мукофотларни тантанали равишда топширди.

Зулфия номидаги Давлат мукофотининг бу йилги соҳибалари – Тошкент шаҳри Миробод энгил сановат ва сервис касб-хунар коллежи ўқувчиси, 2016 йилги Олимпия ўйинлари иштирокчиси Нигора Турсунқулова, Қорақалпоқ давлат университети қошидаги 1-академик лицей ўқувчиси Айжамал Караматдинова хотин-қизларнинг жамият ҳаётининг фаоллигини янада ошириш борасида кўрсатаётган эътибори

учун Президентимизга самимий миннатдорлик билдирди.

Тадбирда қатнашган онахонлар, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, хотин-қизлар ташкилотлари, турли вазирлик ва идоралар вакиллари, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари тўқин дастурхон атрофида суҳбат қурди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар кўмитаси раиси Т.Норбоева мамлакатимизда инсон манфаатларини таъминлаш, аёлларнинг турмуш шaroитларини яхшилаш, саломаатлигини мустаҳкамлаш, қобилият ва интилишларини рўёбга чиқариш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар юксак самаралар бераётганини таъкидлади.

Биринчи Президентимизнинг 2004 йил 25 майда қабул қилинган "Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ушбу тузилма ишини тақомиллаштириш, аёллар ҳаётининг ролини ошириш, маҳаллалардаги маънавий мухитни мустаҳкамлаш, соғлом оилаларни шакллантиришда муҳим омил бўлди.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Харакатлар стратегиясида хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, давлат ва жамият бошқарувидаги ўрнини кучайтириш, хотин-қизлар, касб-хунар коллежлари битирувчи қизларнинг бандлигини таъминлаш, уларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш, оила асосларини янада мустаҳ-

камлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар белгиланган. "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили" Давлат дастурида ҳам хотин-қизлар масаласига алоҳида эътибор қаратилган.

– Ушбу байрам тадбирига йиғилган, мамлакатимизнинг турли ҳудудларидан келган хотин-қизлар юзидан мамнуният ифодасини кўриш мумкин, – деди Хоразм вилояти Урганч туманидаги 38-умумтаълим мактаби ўқувчиси Ойгул Давлетжоннова. – Бу уларнинг ҳаётдан розилиги, фарзандлари камолтини кўраётгани, оиласи мустаҳкам ва фаровонлигидан далолатдир.

– Президентимиз халқимиз саломатлиги, маҳаллалар оқилолчилигига қатъий эътибор қаратмоқда, – деди Қашқадар вилояти Шахрисабз шаҳридаги "Намозоғ" маҳалла фуқаролар йиғини раисининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича вакили Зулфия Раҳимжоннова. – Давлатимиз раҳбарининг "Маҳалла институтини янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори зиммамизга янада масъулиятни қўймоқда, қобилият ва интилишларини рўёбга чиқариш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар юксак самаралар бераётганини таъкидлади.

Байрам санъат усталари ва ёш ижроачиларнинг концерт дастури билан яқунлақди.

Анвар САМАДОВ, Узда муҳбири

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР БАЙРАМИГА БАҒИШЛАНГАН УЧРАШУВДАГИ НУТҚИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Миришкор фермер ва тадбиркорлар Лолахон Муродова, Рашида Ёдгорова, Дилфуза Мусаева, Сарвиноз Шокирова, Зулфия Очилова, Зебихон Рустомова, Райхон Раҳмонова, Айна Добрих, Зулхумор Эрматовна, захматкаш устоз ва мураббийлар Агрепина Шин, Жамила Баймуратова, Валентина Недикова, Тоҳира Исмолова, Елена Кучеренко, Сайёра Умарова, жонкуяр маҳалла раислари ва маслаҳатчилари Гулбахор Султонова, Марҳамат Мақсудова, Бувинисо Ҳамроева, Гулжаҳон Ибраимова, Феруза Ҳасанова, моҳир шифокорлар Феруза Эрматовна, Дилоромхон Тошболтаева каби опа-сингилларимиз самарали меҳнат қилиб, бахт толган инсонлардир.

Ана шундай ҳурматли аёлларимизнинг кўпчилиги бугунги учрашувда иштирок этаётгани даврамизга янада фойда бағишлаб турибди.

Бугунги кунда мамлакатимизда илм-фан, таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш, маданият ва санъат соҳаларида меҳнат қилаётганларнинг 72 фоизи – шунга эътибор беринг, 72 фоизи – айнан хотин-қизлардир.

Маҳалла раислари ва фаолларининг ақсарият қисмини аёллар ташкил этади. 8,5 мингдан ортиқ опа-сингилларимиз маҳаллаларда диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи сифатида фаол иш олиб бормоқдалар.

Хурматли дўстлар!

Барчамизга яхши маълум, ўтган йилгирми беш йил мобайнида халқимиз ўта оғир синов ва машаққатларни, турли қийинчиликларни енгиб, улкан ютуқ ва натижаларни қўлга киритди.

Бундай марраларга эришишда оилада, меҳнат жамоаларида, умуман, жамиятимизда энг катта бойлигимиз бўлган тинчлик ва барқарорлик, ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат муҳитини сақлаш ва мустаҳкамлашда юртимиз хотин-қизларининг донолиги, сабр-қаноат ва матонати, шукроналик, оилага садоқат каби ибратли хусусиятлари ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди. Ана шундай олижаноб, ҳақиқатан ҳам буюк инсоний фазилатларингиз учун сизларга яна бир бор ўз номимдан, эл-юртимиз номидан чукур миннатдорлик билдиришни ўзимнинг бурчим деб биламан.

Азиз опа-сингиллар!

Ер ўзидagi ҳар қайси жамиятнинг маданий даражаси унинг аёлларга бўлган муносабати билан белгиланади.

Бу, албатта, исбот талаб қилмайдиган ҳақиқатдир.

Шунинг учун ҳам мустақилликнинг биринчи кунларидан бошлаб хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, улар учун муносиб меҳнат ва турмуш шароитини яратиш бериш, қобилият ва салоҳиятини рўйбега чиқариш масаласи юртимизда давлат сийсати даражасига кўтарилди. Шу асосда оналик ва болаликни ҳимоялаш, оила институтини қўллаб-қувватлаш, аёлларнинг оғирини енгиш қилиш, уларнинг жамият ҳаётидаги нуфузини ошириш борасида улкан ишлар амалга оширилди.

Бу ҳақда гапирганда, барчамиз Биринчи Президентимиз, муҳтарам Ислам Абдуганиевич Каримовнинг аёл зотиغا, мамлакатимиз хотин-қизларига юксак ҳурмат, доимий эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиб келганликларини бугун яна бир бор эслашимиз. У кишининг: "Аёл бахтли бўлса, оила бахтли, оила бахтли бўлса, жамият мустаҳкам" деган чукур маъноли сўзлари амалий ҳаракатларимизда қўлланимга бўлиб келмоқда.

Биз ана шу эзгу даъватга амал қилиб, мамлакатимизда бошланган кенг кўламли ишларни янги босқичга кўтаришни ўз олдимизга асосий мақсад қилиб қўйганмиз.

Ўзбекистонимизни янада ривожлантириш бўйича яқинда қабул қилинган Ҳаракатлар стратегияси ва унинг узвий қисми бўлган "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили" Давлат дастури авваломбор ана шу мақсадга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Бизнинг яқин ва узоқ келажакка мўлжалланган сийсатимизда муҳим ижтимоий аҳамиятга эга бўлган социал масалаларни ҳал этиш биринчи ўринга қўйилмоқда. Бу одамларни уй-жой билан таъминлаш, соғлиқни сақлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш бўладики, аҳолини арзон ва сифатли дори-дармон воситалари билан таъминлаш бўладики, савдо ва транспорт

хизмати, электр, табиий газ, ичимлик суви таъминотини яхшилаш бўладики, болалар боғчалари, янги мактаблар, санъат ва спорт иншоотлари, раён йўллар қуриш бўладики – буларнинг барчаси бўйича биз аниқ дастур ва режаларни ишлаб чиққанмиз ва уларни сўзсиз амалга оширамиз.

Биз жорий йилнинг ўзида қишлоқ жойларда янги намунадаги 15 мингта арзон уй-жой қуришни бошлаб юбордик.

Ана шундай янги уй-жой массивларида зарур инфраструктура тармоқлари, жумладан, 415 километрдан зиёд ичимлик суви, қариб 300 километр электр, 320 километр табиий газ тармоқлари барпо этилади. Яъни бу уй-жойлар яхлит бир комплекс бўлиб шаклланади. Шунингдек, мамлакатимиз бўйича минглаб километрлик магистрал ва ички йўллар қурилади ва таъмирланади.

Юртимизда аёллар ва ёшларни тадбиркорликка кенг жалб этиш, оилавий тадбиркорлик ва касаначиликни ривожлантириш мақсадида 2017 йилда тадбиркор аёллар учун 1 триллион сўм, таълим муассасаларини би-тириб чиқадиган 10 мингта яқин ёшларимиз учун 60 миллиард сўм кредит маблағлари ажратиш кўзда тутилмоқда.

Биз соғлиқни сақлаш соҳасида юқори технологияларга асосланган, ихтисослаштирилган тиббиёт марказларининг ҳудудларда ҳам фаолият кўрсатишига жиддий эътибор қаратмоқдамиз. Бу олис вилоят ва туманларимизда ашаётган аҳолига қандай янги имконият ва қулайликлар туғдиришини, ўйламанки, тушуниш қийин эмас.

Мисол учун, Қорақалпоғистон Республикасини оладиган бўлсак, бу ерда Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг Нукус филиалида кўп тармоқли болалар клиникаси қурилиши жадал олиб борилаётган. Бу шифохона яқин келгусида Оролбўйи минтақасидаги болалар саломатлиги бўйича йirik марказга айланади.

Хоразм вилоятида эса Россиянинг А.Бакулев номидаги машҳур клиникаси билан ҳамкорликда юрак-қон томир жарроҳлиги бўйича тиббий марказ қурилиши бошланди.

Айни вақтда Термиз шаҳрида Республика урология, Кўз микрохирургияси ҳамда Гинекология ва акушерлик илмий-амалий марказларининг филиаллари барпо этилади.

Шулар қаторида Қашқадарё вилоятида Республика кардиология ва Эндокринология марказларининг филиалларини бунёд этиш бўйича ҳам амалий ишлар бошлаб юборилди.

Биз қишлоқ врачлик пунктлари фаолиятини, тез ёрдам хизмати, профилактика ва патронаж тизимини янада тақомиллаштириш борасида ҳам кенг микёсда иш олиб бормоқдамиз.

Ўйламанки, "Инсон манфаати ҳар нарсадан улуг" деган эзгу ғояни амалга оширишга қаратилган бундай ишларнинг аҳамиятини халқимиз, авваломбор, сиз, азиз аёлларимиз ҳаммадан кўра яхши тушунасиз.

Мен жойларда бўлиб, халқимиз вакиллари, муҳтарам аёлларимиз билан мулоқотда бўлганда, уларнинг қувонч ва ташвишлари билан яқиндан танишганимда, турли қийинчилик ва муаммоларга қарамаздан – ҳаёт ўзи ҳеч қачон муаммосиз бўлмайди – опа-сингилларимизнинг орзу-интилишлари, ҳаётга, эртанги кунга катта ишонч билан қараётганини кўриб хурсанд бўламман. Чунки биз ўз олдимизга қўйган улкан мақсад ва вазифаларни амалга оширишнинг энг муҳим шартини, энг асосий заминини ҳам аслида халқимизнинг мана шундай ишончидир.

Қадрли опа-сингиллар!

Барчамизга яхши аён, бугунги шиддатли замон, дунёдаги аёвсиз рақобат муҳити биздан жуда катта масъулият ва сафарбарлик билан ишлашни, ҳамма соҳада янгича ёндашувларни талаб этмоқда.

Мана шундай кескин шароитда биз юртимизда тинчлик ва осойишталик, фуқаролар ва миллатлар ўртасида ҳамжиҳатлик муҳитини кўз қорачиқидек асрашимиз зарур. Айниқса, фарзандларимизнинг қалби ва онгини ёвуз ҳавф-хатарлардан ҳимоя қилишга энг долзарб вазифа, деб қарашимиз керак.

Агар биз таълим-тарбия, маданият ва маънавият соҳасидаги ишларимизни аниқ тизим асосида ташкил

этиб, уларнинг самарадорлигини оширсак, эртанги кунимизни қуролмаймиз, ўз мақсадларимизга етолмаймиз.

Бу борада "Бир болага етти маҳалла ҳам ота, ҳам она" деган шир доимий кун тартибда туриши лозим. Биз ёшларимизни миллий ва умумбагарий қадриятлар руҳида тарбиялаш учун бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этишимиз зарур. Бундай гоят муҳим вазифани амалга оширишда биз аввало кўпни кўрган кайвони онахонларимизга, маҳалла фаолларига, муҳтарам фахрийларимизга, сиз, азиз опа-сингилларимизнинг ақл-заковатингиз, билим ва тажрибангизга таянамиз.

Оилаларда тиббий, ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, касб-хунар коллежлари, олий ўқув юртиларини би-тириб чиқатган ёшларимизни, авваломбор, қиз болаларни иш билан таъминлаш давлат идораларининг биринчи галдаги вазифаси бўлиши шарт.

Айниқса, қизларимизнинг саломатлигини асраш, уларнинг замонавий билим ва касб-хунарлар эгаси бўлиб вояга етиши, жамиятда ўз нуносиб ўрнини топиши учун биз барчамиз – ота-оналар, жамоатчилик, мутасадди раҳбарлар жавобгарлик ва масъулиятимизни янада кучайтиришимиз зарур.

Нега деганда, қиз бола – бўлғуси оила бекаси, келажакимиз эгасидир. Бугун биз уларга қандай таълим-тарбия берсак, эртанга улар янги авлодимизга шундай тарбия беради.

Биз одатда жамиятимиз ҳаётига қарши қаратилган ҳавф-хатарлар ҳақида гапирганда, кўпинча четдан кирадиган таҳдидларни тушунамиз. Лекин эски замондан қолган айрим салбий ҳолатлар, афсуски, бугунги тинч ва ёруғ ҳаётимизга соя солиб турибди. Лоқайдлик, бир-бирини кўролмаслик, оилада эр-хотин, қайнона-келин, кўни-қўшилар ўртасидаги келишмовчилик, аёлларга бепанас қараш – бундай ярамас иллатлар бизга, бизнинг халқимизга мутлақо ярашмайди.

Бундай номаъқул ҳолатларни бартараф этиш учун биз ҳар томонлама чукур ўйлаб, мунтазам равишда иш олиб боришимиз керак. Шу мақсадда биз маҳаллий ҳокимликлар ва ички ишлар тизимини, "Маҳалла" ва "Нуроний" жамғармалари тузилмасини тубдан ўзгартирдик, уларга ёшлар билан ишлайдиган қўшимча шартлар бердик.

Айни шундай ислохотларни биз Республика Хотин-қизлар кўмитаси ва унинг жойлардаги тузилмалари бўйича ҳам амалга оширишни режалаштирганмиз. Кўмита ва унинг ҳудудий бўлинмалари вазифаларини янада кенгайтириш, уларнинг моддий-техник базасини яхшилаш, опа-сингилларимизнинг меҳнатини муносиб баҳолаш ва рағбатлантириш, бунинг учун янги имтиёз ва имкониятлар тизимини яратиш бўйича аниқ чора-тадбирлар кўзда тутилмоқда.

Буларнинг барчаси юртимизда хотин-қизларнинг оила ва жамият ҳаётидаги ўрни ва таъсирини ошириш, уларнинг ҳаётини манфаатларини янада кенг таъминлаш каби эзгу мақсадларга хизмат қилади.

Мунис ва меҳрибон опа-сингиллар!

Ўзгаллик ва нафосат айёми – 8 март байрамини биз ҳар сафар катта қувонч ва ҳаяжон билан кутамиз. Чунки бу қутлуг айём қалбимизда, юрагимизда сизларга бўлган чекисиз меҳримиз, ҳурматимизни изҳор этиш учун яна бир катта имконият беради.

Шу маънода, агарки бу байрам бизнинг ҳаётимизда бўлмаган тақдирда ҳам муътабар оналаримиз, мунис опа-сингилларимиз, дилбар қизларимизнинг ҳурмати учун бундай байрамни албатта ташкил этган бўлардик.

Нега деганда, сизларнинг доимо мана шундай очилиб, ҳаётдан, тақдирдан рози бўлиб, яйраб-яшнаб юришингиз учун, сизларнинг бахту саодатингиз учун биз доимо сидқидилдан хизмат қилишга тайёрмиз.

Илоҳим, мана шундай қувончли кунларимиз кўп бўлсин!

Сизларни бугунги қутлуг байрам билан яна бир бор табриклаб, барчангизга сийҳат-саломатлик, оилавий бахт, фарзандларингиз, набираларингиз камолини кўришни тилайман.

Ҳамиша соғ-омон бўлинг, азизлар!

Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан Мудофаа вазирлигида ташкил этилган тадбирга соҳада фаолият юритаётган хотин-қизлар тақлиф этилди.

АЁЛГА ЭҲТИРОМ

Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазири Қ.Бердиев ва бошқалар ўзининг бекиёс меҳри ва фидойилиги билан хонадонларимизга, ҳаётимизга ўзгача кўрк бағишлаётган хотин-қизларнинг жамиятимиздаги ўрни тобора ортиб бораётганини таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қатор қонунларимизда хотин-қизлар ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш масаласига алоҳида ўрин ажратилган. Аёлларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, вояга етмаганлар ва хотин-қизлар ҳуқуқлари ҳимоясининг ишончли кафолатлари яратилган.

– Мард ўғлонлар билан бир сафда Ватан ҳимоясидек шарафли ишга бел боғлаганимдан фахрланаман, – дейди ҳарбий хизматчи Мунира Иброҳимова. – Намунали оиланинг келини, бахтли хонадон

нинг бекаси, 3 нафар фарзанднинг онасиман. Турмуш ўртоғим билан бирга шу соҳада ўн йилдан буюн хизмат қилиб келмоқдамиз. Давлатимизнинг ҳарбийларга кўрсатилган эътибори туғайли 2012 йилда уй-жой билан таъминландик. Фарзандларимиз вазирлик ҳузурдаги мактабда таҳсил олади. Мен бор куч-ғайратимни шу муқаддас замин тинч-осудалиги, халқ фаровонлигига бағишлаш баробарида, фарзандларимни ватанпарварлик, қатъий фуқаролик позициясига эга, мард, жасур ўғлонлар сифатида тарбия қилмоқдаман.

Тадбирда Ватан ҳимояси, тинчлиги ва осойишталигини сақлашда алоҳида ўрнэк кўрсатилган, шарафли касбинг фидойилари бўлган бир гуруҳ хотин-қизларга эсдалик совғалари топширилди. Концерт дастури иштирокчиларга олам-олам қувонч бағишлади.

А.КЇСОВА, ЎЗА мухбири

ЎЗБЕКИСТОН ВА ТУРКМАНИСТОН – СТРАТЕГИК ШЕРИК ДАВЛАТЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ўзбекистон ҳам, Туркменистон ҳам углеводород ресурсларига бой. Уларни экспорт қилиш ўзаро мувофиқ ҳаракат қилишни талаб этади. Ана шундай яқин ҳамкорлик мамлакатларимиз учун энергетика йўналишларини диверсификация қилиш ва ҳажон бозорларига чиқиш борасида кенг имкониятлар яратмоқда. 2009 йилда ишга тушган Туркменистон – Ўзбекистон – Қозғоғистон – Хитой газ қувури бунинг ёрқин мисолидир.

Музокарада ҳамкорлиқнинг янги йўналишларини ишга солиш, савдо-иқтисодий алоқалар камровини кенгайтириш, ҳудудларнинг тўғридан-тўғри ҳамкорлигини ривожлантиришга келишиб олинди.

Трансчегаравий дарёлардан оқилона фойдаланиш, чўлланишга қарши курашиш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбек ва туркман халқларининг тарихи ва маданияти муштарак, урф-одат ва аънаналари ўхшаш. Аждодларимизнинг илмий-ижодий мероси халқларимизнинг умумий мулкига айланган. Бу яқинлик маданий-гуманитар соҳадаги ҳамкорлик ривожига мустаҳкам асос бўлмоқда. Икки мамлакат маданият ва санъат намояндалари, спортчилари Ўзбекистон ва Туркменистонда ўтказилаётган турли концертлар, фестивал ва кўрсатмалар, спорт мусобақаларида фаол иштирок этмоқда. 2016 йил сентябрда Туркменистонда ўзбек киноси кунлари, ноябрда мамлакатимизда Туркменистон маданияти кунлари ўтказилди.

Мамлакатларимиз сийҳатли соҳасида ҳам улкан имкониятларга эга. "Буюк ипак йўли" лойиҳаси доирасида ўзаро боғланган саёҳатлар ташкил этилмоқда.

Илм-фан соҳасидаги ҳамкорлик ҳам юксалтирилди. Икки мамлакат олимлари қишлоқ ҳўжалиги, нефть кимёси ва бошқа соҳаларда биргаликда иланишлар олиб бормоқда.

Музокаралар якунида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов Қўшма баёноти, Ўзбекистон Республикаси ва Туркменистон ўртасида стратегик шериклик тўғрисидаги шартнома имзоладилар. Тегишли вазирлик ва идоралар ўртасида 2018-2020 йилларда иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома, темир йўл транспорти соҳасидаги ҳамкорликни янада ривожлантиришга оид меморандум, 2017-2019 йилларга мўлжалланган маданий-гуманитар ҳамкорлик дастури, 2017-2018 йилларда ташки ишлар вазирликлари ўртасидаги ҳамкорлик дастури, Ўзбекистондан Туркменистонга қишлоқ ҳўжалиги техникалари ва кимё маҳсулотлари етказиб бериш тўғрисидаги шартномалар имзоланди. Хоразм вилояти билан Дашоуз вилояти, Бухоро вилояти билан Лебап вилояти ҳокимликлари ўртасида савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорлик тўғрисида битимлар имзоланди.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда Президентлар ўшбу ташриф икки томонлама муносабатларнинг долзарб масалаларини муҳокама этиш, минтақавий ва халқаро аҳамиятга моллик муаммолар юзасидан фикр алмашиш учун қулай имконият яратганини таъкидладилар. Музокаралар очкилик, ўзаро англашув ва дўстона руҳда ўтгани, имзоланган ҳужжатлар Ўзбекистон ва Туркменистон халқлари манфаатларига хизмат қилиши қайд этилди.

Шавкат Мирзиёев Гурбангули Бердимухамедовга мамлакатимизда яқинда чоп этилган Махтумқулнинг "Элингга бахш айла" деб номланган китобини совға қилди. Туркменистон Президенти китоб энг яхши тўҳфа эканини таъкидлаб, Президентимизга миннатдорлик билдирди.

Куннинг иккинчи ярмида Президентлар Халқаро Ахалтеки отлари мажмуаси билан танишдилар. Туркменистон Президенти давлатимиз раҳбарига зотдор от совға қилди.

Президентимиз Туркменистон Мустақиллик монументи пойига гулчамбар қўйди. Фахрий меҳмонлар хиёбонига кўчат ўтказди. Бу хиёбонга Биринчи Президентимиз Ислам Каримов 2007 йилда кўчат ўтказган эди.

Давлатимиз раҳбари Сапармурат Ниязов макбарасига гул қўйди. Ўтганларнинг руҳи покларига Куръон тиловат қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Туркменистонга давлат ташрифи давом этмоқда.

Анвар САМАДОВ, ЎЗА махсус мухбири

ҚЎШНИ ТОЖИКИСТОНГА ИНСОНПАРВАРЛИК ЁРДАМИ

Ўзбекистон Тожикистонга инсонпарварлик ёрдами жўнатди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев топшириғига мувофиқ Ўзбекистон ҳукумати Тожикистон Республикаси тоғли ҳудудларида рўй берган катта қор қўқилари оқибатида нафақат иқтисодий зарар етказган, балки инсонлар ҳалок бўлишига олиб келган табиий офатдан жабрланганларга инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш ҳақида қарор қилди.

Қўшни мамлакат халқига юборилаётган инсонпарварлик ёрдамининг умумий ҳажми қариб 60 тоннани ташкил этади. Унинг таркибида озиқ-овқат маҳсулотлари, дори-дармон ва тиббиёт буюмлари, қурилиш материаллари, қўмир, иссиқ кийим ва биринчи эҳтиёж учун зарур бошқа товарлар бор.

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиғига инсонпарварлик ёрдамини шакллантириш, уни Тожикистонга етказиш ва топшириш ишларини мувофиқлаштириш вазифаси юклатилган.

Ўзбекистоннинг Тожикистонга инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш тўғрисидаги қарори мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги дўстлик ва ўзаро қўллаб-қувватлаш аънаналарининг яна бир амалий ифодасидир.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 3 мартдаги ПК-2815-сонли Қарорига илова

ЗУЛФИЯ НОМИДАГИ ДАВЛАТ МУКОФОТИ БИЛАН ТАҚДИРЛАНГАНЛАР РЎЙХАТИ

- Караматдинова Айжамал Женис кизи – Қорақалпоқ давлат университетини қошидаги 1-академик лицейнинг 3-босқич ўқувчиси
Отажоновна Гўзал Азамат кизи – Қорақалпоғистон Республикаси Тўрткўл тиббиёт коллежининг 3-босқич ўқувчиси
Тоштемирова Илтижохон Валишер кизи – Андижон педагогика коллежининг 3-босқич ўқувчиси
Идиева Азиза Журабек кизи – Бухоро иқтисодиёт ва банк коллежининг 1-босқич ўқувчиси
Абдуразоқова Нигина Абдувахоб кизи – Жizzада 2-босқич ўқувчиси
Неъматова Ўғилый Акрам кизи – Қашқадарё вилояти Китоб иқтисодиёт ва хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежининг 3-босқич ўқувчиси
Камолова Дилноза Самариддиновна – Навоий вилояти Учқудуқ қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги касб-хунар коллежининг 2-босқич ўқувчиси
Мухаммаджонна Севинч Иброҳимали кизи – Наманган вилояти Чуст спорт коллежининг 1-босқич ўқувчиси

- Ўроқова Дилдора Акмалжон кизи – Самарқанд вилояти Иштигон туманидаги 1-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабининг 9-синф ўқувчиси
Шербекова Нозимабону Нурмухаммад кизи – Сирдарё вилояти Боёвут қишлоқ хўжалиги касб-хунар коллежининг 2-босқич ўқувчиси
Темирова Шахрибону Бахтиёр кизи – Термиз давлат университети қошидаги Термиз академик лицейининг 3-босқич ўқувчиси
Рахматова Дилноза Бакир кизи – Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институтининг 1-босқич талабаси (Тошкент вилояти)
Курбонова Муштарийбегим Бахтиёржон кизи – Фарғона давлат университетининг 1-босқич талабаси
Машарипова Рухсора Олимжоновна – Урганч давлат университети қошидаги 2-академик лицейнинг 2-босқич ўқувчиси
Турсунқулова Нигора Акмал кизи – Тошкент шаҳри Миробод енгил саноат ва сервис касб-хунар коллежининг 3-босқич ўқувчиси

8 март – Халқаро хотин-қизлар куни

## АЗИЗ ВА МУҚАДДАССАН АЁЛ

**Ўлкамизда кезаётган баҳорнинг ўзгача нафаси кўнгилларни хушнуд этибгина қолмай, барчанинг юзига табассум, лабига кулгу улашмоқда.**

Гўзаллик, нафосат, янгиланиш фасли бўлган баҳорда табиат уйғониб, атроф ўзгача чиройга эга бўлади. Табиатнинг фусункорлиги га ҳамоҳанг тарзда байрамларни халқимиз кўтаринки кайфият билан нишонлайди.

Шайхонтоҳур туман ҳокимлиги, туман хотин-қизлар кўмитаси, маданият ва спорт ишлари бўлими, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди туман бўлини маси, Ўзбекистон давлат консерваторияси ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан Ўзбек миллий академик драма театрида "Аёл борки, олам мунаввар" деб номланган байрам тадбири ташкил этилди. Унга туманнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига муносиб ҳисса қўшиб келаётган фаол аёллар, фахрий онахонлар, туман ободонлаштириш бўлими ходимлари, якка-ёлғиз қариялар таклиф этилди.

Тадбир очилишида сўзга чиққан Шайхонтоҳур тумани ҳокимининг биринчи ўринбосари Шухрат Содиков, туман хотин-қизлар кўмитаси раиси Сурайё Пўлатова, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, Ўзбек миллий академик драма те-

атри директори Фатхулла Маъсудов ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда аёлларга ғамхўрлик ва эътибор кўрсатиш, оила, оналик ва болалик манфаатларини ҳимоялаш, жамиятда соғлом турмуш тарзи ғояларини мустаҳкам қарор топтириш масалаларига устувор аҳамият қаратилаётганини таъкидлаб ўтишди.

— Мустақиллик Ўзбекистон хотин-қизларининг давлат ва жамиятда муносиб ўрин эгаллашлари учун кенг имкониятлар эшигини очди, — дейди Шайхонтоҳур туман ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси С. Пўлатова. — Зеро, аёл – тадбиркор, ишбилармон, олима, давлат арбоби ва табаррук онадир. Шу боис ҳам онасингиларимиз доимо эҳтиром ва эъзоздалар. Юртимизда 8 март Халқаро хотин-қизлар кунини кенг нишонлаш ва бу кун орқали аёлларга алоҳида ҳурмат кўрсатиш аънаанага айланиб қолган. Ўзбек аёли гўзал шарқона ахлоқий фазилатлар соҳибаси сифатида кун сайин ўз нуфузини ошириб, ақлаковати, шижоати, серқирра меҳнати орқали янада фаоллашиб бормоқда. Буларнинг барчаси юрти-

мизда аёлларга қаратилаётган эътибор ва ғамхўрлик натижасидир.

Тадбир давомида кўп йиллардан бери сидқидилдан меҳнат қилаётган, фидойи ва фахрий аёлларга қимматбаҳо совғалар топширилди. — Халқимиз азалдан аёлларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатишга, уларни асраб-авайлашга алоҳида эътибор қаратиб келган, — дейди тумандаги "Янгибод" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Манзура Валиева. — Истиклол йилларида бу эзгу аънаана янгича маъно-мазмун билан бойимокда. Бугунги кунда ўзбек аёлининг эришаётган муваффақиятлари таҳсинга сазовор. Оила билан бир қаторда ўз кучи, билим ва маҳорати билан юқори чўққиларни забт этаётган аёлларимиз миллатимиз фахрига айланган. Маҳалламиздаги уч минг саккиз юздан ортиқ аёлларимиз кўрсатаётган фаолликлари билан ажралиб туради. Жамият тараққиётига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келаётган аёлларимизни байрам билан муборакбод этаман.

Тадбир давомида ташриф буюрганлар учун дилтортар куй-қўшиқлар жаранг сочди. Кўтаринки кайфиятда ўтган байрам тадбири сўнггида "Иймон" номли спектакль намойиш этилди.

Зиёда РАСУЛОВА

**"Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Чилонзор туман Кенгаши ташаббуси билан 8 март – Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан аёллар ва қизларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш ҳамда уларни муносиб тақдирлаш, жамиятда аёлларга яратилган шарт-шароитлар тарғиботини олиб бориш, ёш авлодни она, устоз, аёлга бўлган меҳрини кучайтириш ва уларни эъзозлашга ўргатиш мақсадида "Онажон мўътабар" лойиҳаси ишлаб чиқилди.**

## ОНАЖОНИМ МЎЪТАБАР

— Аёлга эҳтиром кўрсатиш, уни улуғлаш ва ҳурмат қилиш азалий қадриятларимиздан бири саналади, — дейди Ҳаракатнинг туман Кенгаши раиси Баҳодир Зиёвдиқов. — Бугунги кунда жамиятимизда аёлларнинг ўрни ва ролини ошириш борасида кўплаб ишлар олиб борилаётган. Кенгаш томонидан ишлаб чиқилган "Онажон мўътабар" лойиҳаси жорий йилнинг 1-10 март кунлари ўрта махсус ўқув юрларида тахсил олаётган ёшлар, "Қамолот" ЕИХ сардорлари ўртасида "Баҳор марафони" танлови, умумтаълим мактабларида "Аёлни улуғламоқ – оилани, Ватанини улуғламоқ демокдир" мавзусида маънавий-маърифий тадбирлар, академик лицейларда "Аёлнинг саришаси – рўзгорнинг фариштаси!" мавзусида туркум тадбирлар, тумандаги барча таълим муассасаларида "Она – ҳаётнинг гули, бола – унинг булбули!" мавзусида расмлар танлови, умумтаълим мактабларида "Онам дерман", ОУЮ, ўрта махсус ўқув юрларида "Устозим онам" мавзусида иншолар танловларини ўтказиш белгиланган. Шу билан бир қаторда байрам муносабати билан умумтаълим мактаблари етакчилари ўртасида "Балли, қизлар" шиори остида "Пазандалик маҳорати" кўрик-танловини ташкил этиш, лойиҳа доирасида "Қалби пок хилқатдан ажиб, дунё гўзаллик тимсоли аёл" мавзусида "Қамолот" оқшоми маданий тадбирини ўтказиш, узоқ йиллар меҳнат қилган педагоглар ҳолидан хабар олиш, уларни байрам билан муносиб қўллаш ишлари ташкил этилди.

Жорий йилнинг 1-3 март кунлари туманда жойлашган 32 та умумтаълим мактабларининг 6-9 синф ўқувчилари ўртасида "Онам дерман" мавзусида иншолар танлови ташкил этилди. Ташкил этилган иншолар танловининг умумтаълим мактаб босқичларида 360 нафар ёшлар ўз иншолари билан иштирок этишди. Иншолар танловини ўтказиш бўйича тузилган ишчи гуруҳ ва ҳакамлар ҳайъати аъзолари ўқувчилар томонидан тақдим этилган иншоларнинг мазмундорлиги, имло ҳатоларисиз ёзилиши, ҳуснихатига алоҳида эътибор қаратишди. Иншолар танловининг умумтаълим мактаб босқичида фахрли 1-2-3-ўринни эгаллаган ўқувчиларнинг иншолари танловининг туман босқичида иштирок этиш учун туман Кенгаши қошида ташкил этилган ишчи гуруҳга тақдим этилди. Шунингдек, туманда жойлашган 4 та олий таълим муассасалари, 4 та академик лицей ва 12 та касб-хўнар коллежларида тахсил олаётган ўқувчи-ёшлар ўртасида байрам муносабати билан "Устозим онам" мавзусида иншолар танловларининг таълим муассасалари босқичи ўтказилди. Айни кунларда туман Кенгаши қошида ташкил этилган ҳакамлар ҳайъати аъзолари тақдим этилган иншоларни ўрганиб чиқишмоқда. Байрам арафасида иншолар танловининг туман босқичида фахрли 1-2-3-ўринни эгаллаган ўқувчи-ёшлар номинаниялар бўйича тақдирланади.

Зарина РУСТАМОВА

## Байрам нашидаси

### ЭЪЗОЗ ВА ЭЪТИБОРДАСИЗ

**Бугун ўзбек аёлининг қалбига қулоқ тугсангиз, ҳаётдан беҳад мамнунлигини, шодонлигини эшитасиз. Чунки улар давлатимиз ардоғида, эҳтиром ва эътиборида. Аёли эъзозланаётган юртнинг эртаси обод, келажаги эса чиндан ҳам истиқболли ва нурафшондир.**

Айни кунларда шахримизнинг барча масканларида Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан байрам тадбирлари кўтаринки кайфиятда нишонланмоқда.

Юнусобод туман ҳокимлиги, Хотин-қизлар кўмитаси, Маънавият тарғибот маркази, Маданият ва спорт ишлари, "Қамолот" ЕИХ туман бўлими ҳамда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Ўзбек Миллий академик драма театри ҳамкорлигида "XXX" тўйхонасида "Эҳтиром ва эътиборимиз сиз учун азиз аёллар!" мавзусида маънавий-маърифий байрам тадбири бўлиб ўтди.

Сўзга чиққанлар Президентимиз раҳнамолигида хотин-қизларнинг ҳаёт даражасининг сифатини янада яхшилаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, қизларнинг замонавий касб-хўнар эгаллаб, ҳаётдан муносиб ўрин олиши учун барча шароит яратилганини таъкидлади.

— Мамлакатимизда хотин-қизларга ҳурмат кўрсатиш, қадрлаш юксак даражага кўтарилди, — дейди Юнусобод туман ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Наргиза Қўзиева. — Туманимизда аёлларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни иш билан таъминлаш, қизларимизнинг иқтидор ва салоҳиятини юзага чиқариш борасида дастуруламал ишлар олиб борилаётган. Мен бугун, фурсатдан фойдаланиб барча аёлларимизни, гўзал қизларимизни байрам билан чин кўнгилдан, самимий табриклайман.

Байрам тантаналари доирасида ишлаб чиқариш, илм-фан, тадбиркорлик, ҳунармандлик, спорт ва санъат соҳасида қўлга киритган ютуқлари учун туманнинг бир гуруҳ аёллари тақдирланди.

Тадбирда халқимиз ардоқлаган санъаткорлар, эстрада хонандалари ижросида куй ва қўшиқлар янгради.

**Тошкент фармацевтика институти томонидан ўтказилган байрам кечаси "Сен барибир муқаддассан-муқаддас аёл" деб номланди.**

Ўзбекистон давлат консерваториясида ташкил этилган тадбирга мазкур институтида фаолият юритаётган аёллар, фахрий педагог онахонлар, дилбар қизлар ва иқтидорли ёшлар таклиф этилди.

Тошкент фармацевтика институти ректори, профессор Х.Жалилов ва бошқалар "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили" Давлат дастурида белгиланган вазифаларни изчиллик билан бажариш, хотин-қизлар саломатлигини мустаҳкамлаш, уларнинг ҳар соҳадаги ташаббусларини қўллаб-қувватлаш борасида кенг қўламли ишлар олиб борилаётгани, юртимизнинг янада гуллаб-яшнаши, келажақ авлод тарбиясида аёлларнинг ўз ўрни борлигини қайд этди.

— Ватанга, оилага, ҳаётга ва келажаққа эҳтиром аёлга, онага эҳтирдан бошланади, — дейди мазкур институтининг маънавий-маърифий ишлар бўйича проректори Оллоқул Худойбердиев биз билан суҳбатда. — Аёлини асраган эл қудратли, онасини эъзозлаган фарзанднинг эса, толеи баланд бўлади. Зеро, дунёдаги жамки буюк зотлар, жаҳонгирлар оқила ва доно аёллар, гўзал табиатли аёллар бағрида ўсиб-ўлғайган. Шу боис ҳам аёлини азалдан муқаддас билиб, унга ҳурмат ва эҳтиром кўрсатилган. Биз нафақат институтиимиз микросидаги, балки юртимиздаги барча аёлларимизни, латофатли қизларимизни байрам билан муборакбод этамиз. Уларга тани-сиҳатлик, узоқ умр ва ҳар бир ишда ривож тилаб қоламиз.

Байрам тадбирида эл севган санъаткорлар Қозим Қажомов, Замира Сулонова ижросидаги оҳанрабо қўшиқлар, "Нихол" мукофоти совриндорлари, опера ижрочилари ва Ўзбекистон давлат консерваториясининг талабалари ижросидаги куй ва қўшиқлар, сўз усталарининг чиқишлари тадбирнинг мазмунли ва мароқли ўтишини таъминлаб берди.

Тадбирда, ёш авлодни ҳар томонлама юксак маънавиятга ва билимга этиб тарбиялашда самарали меҳнат қилиб келаётган бир гуруҳ педагог аёлларга эсдалик совғалари топширилди.

Гулчехра ДҲРДИЕВА

Реклама ўрнида

## "ТОШКЕНТ УНИВЕРМАГИ" АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

*жаннатмонанд Ватанимизнинг оқила, доно, гўзал ва зукко барча аёлларини кириб келаётган 8 март — Халқаро хотин-қизлар байрами билан чин кўнгилдан муборакбод этади. Ишда, ўқишда, оилавий ҳаётингизда бахт-саодат ва омад ҳамиша ёр, эзгу тилақларингиз доимо ижобат бўлсин. Дилингизга тугиб қўйган барча нияту истақларингиз амалга ошсин. Чехрангиздан нур, лабингиздан табассум ҳеч қачон аримасин. Она заминга муҳаббат, Ватанга садоқат ҳислари Сиз азизларни асло тарк этмасин!*



## ИПОТЕКА BANK



# ИККИ АВЛОД УЧРАШУВИ

## Пойтахтимизда жойлашган 2-Республика тиббиёт коллежида "Ёшлар тарбиясида нуруний кексаларнинг ўрни" мавзусида ёши улуг авлод вакиллари билан учрашув бўлиб ўтди.



Мазкур тадбир Ўзбекистон фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш "Нуруний" жамғармасининг Марказий кенгаши қошидаги "Фаол фахрий аёллар билан ишлаш" гуруҳи томонидан ташкил этилган бўлиб, унга нурунийлар, меҳнат фахрийлари, табаррук онахонлар ва эл суйган санъаткорлар таклиф этилди.

Икки авлод учрашуви тарзида кечган тадбирда сўз олган 2-Республика тиббиёт коллежи директори, тиббиёт фанлари номзоди Миржамол Адилов, микробиолог олима, академик Машхура Мавлоний, Ўзбекистон фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш "Нуруний" жамғармасининг Марказий кенгаши қошидаги "Фаол фахрий аёллар билан ишлаш" гуруҳи раҳбарининг муовини Муборак Юнусжўзева, Ўзбекистон халқ артисти Галина Мельникова ва бошқалар ҳозирги даврга келиб мухтарам Юртбошимиз раҳнамолигида мамлакатимизда илм-фанга қаратилаётган эътиборнинг юксак даражага кўтарилгани, тиббиёт тизимида олиб борилаётган туб ислохотларнинг олий мақсади — инсониятга хизмат қилиш эканлиги, қолаверса, ҳозирги пайтда шифокорларга таълим беришда замонавий технологиялар ўрнининг бекиёслиги, ёшларни Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат, миллий кадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялашда нурунийларнинг бой ҳаётий тажрибаси ва билимидан фойдаланиш зарурлиги ҳақида коллеж ўқувчиларига атрафлича тушунчалар берди.

— Коллежимизда бундай илмий-маърифий тадбирларни ўтказиш аънава тусига кириб қолган, — дейди 2-Республика тиббиёт коллежининг маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари Мухтабар Солихова. — Бугунги йиғилишимизга қўшни кўрган, ҳаётда тажриба орттирган зиёли онахонларни таклиф этдик. Нурунийлар ўзларининг ҳаётий воқеаларини қизиқarli тарзда сўзлаб беришгани ҳам ёшларда катта таассурот қолдирди. Бу албатта, фарзандларимизнинг маънавий-маърифий оламини кенгайтиришга ижобий таъсир кўрсатиши аниқ.

Шунингдек, йиғилишда Ўзбекистон фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш "Нуруний" жамғармасининг Марказий кенгаши қошидаги "Фаол фахрий аёллар билан ишлаш" гуруҳи томонидан тақдим этилган — "Ёшлар тарбиясида кексаларнинг ўрни", "Кадриятлар — маънавият пойдевори", "Ёшларда соғлом турмуш тарзини шакллантириш масалалари", "Ёшлар тарбиясида китобнинг ўрни" каби маърузалар ўқувчилар диққатига ҳавола қилинди.

Тадбир давомида Ўзбекистон халқ артистлари — Малика Иброҳимова ва Марям Ихтиёрова ҳамда санъаткор Раъно Рўзиқуловалар ўзларининг бадиий ва мусикали чиқишлари билан йиғилганларга кўтаринки кайфият бахш этишди. Йиғилиш якунида эса меҳмонларга ташкилотчилар томонидан эсдалик совғалари топширилди.

Бахтиёр Жўраев К. Ўлмасов олган сурат

**XXI аср саҳоси**

Барча манбалардан олинган сўнги кабарлар

## МАМЛАКАТИМИЗДА

• Андижон давлат университетига "Бобурийлар салтанатида аёлларнинг ўрни" мавзусида республика илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди. Республика хотин-қизлар "Олима" уюшмаси Андижон вилояти бўлими ташаббуси билан вилоят ҳокимлиги, вилоят хотин-қизлар кўмитаси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида фаолият юритаётган олима аёллар, адабиётшунослар, тадқиқотчилар, магистрлар ва истеъдодли талаба-ёшлар иштирок этди.

• Навоийда ўтказилган "Ички ишлар органларининг намунали таянч пункти" кўрик-танловининг вилоят босқичида Кармана тумани "Талқоқ" маҳалла фуқаролар йиғинидаги 57-милиция таянч пункти голиб деб топилди ва танловнинг мамлакат босқичига йўлланма олди.

• Фарғона вилояти Риштон туманида Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси марказий кенгаши томонидан хунарман ва тадбиркорлар билан очик мулоқот ўтказилди. Мулоқотда тадбиркорлар ва хунармандлар таклиф ва тавсиялари ўрганилиб, партиянинг ҳамкорлар иштирокидаги тегишли вазифалари белгилаб олинди. Иштирокчилар ўзларини қизиқтирган масалалар юзасидан мутасадди ташкилотлар мутахассисларидан жавоб олди.

• Жиззаҳда мамлакатимиз Куролли Кучларини ислоҳ қилиш, ёшларни ҳарбий хизматга тайёрлаш ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишларини такомиллаштиришда жамоатчиликнинг иштирокини янада кенгайтиришга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

• Урганчада халқ депутатлари Хоразм вилояти Кенгаши ижтимоий-маданий ривожланиш масалалари бўйича доимий комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикасининг "Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида"ги қонуни ижросини таъминлаш бўйича олиб борилаётган ишлар муҳофиза қилинди.

## Спорт янгиликлари

Маълумки, жорий йилнинг 16-26 май кунлари 20 ёшгача бўлган футболчилар ўртасида уюштирилаётган Осиё чемпионатида Таиланд мезбонлик қилади.

## ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

Илк марта ташкил этилаётган ушбу нуфузли турнирда Ўзбекистон ёшлар терма жамоасининг муваффақият қозонишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон футбол ассоциацияси ташаббуси билан 11 март кuni 1997, 1998, 1999 йилларда тузилган ёш ўйинчилар ўртасида танлов эълон қилинди. Пойтахтимиздаги "Ўзбекистон" спорт мажмуасида ўтказилаётган ушбу танловда Ўзбекистон ёшлар футбол терма жамоасининг бош мураббийси Хосе Мария Мендес иштирокчиларни турли хилдаги машқлар ва тест синовлари орқали қўздан кечиради. Танловда мураббий ишончини қозонган ёшлар Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси йиғинига жалб этилади. Танловда Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда барча вилоятлардан келган ёшлар қатнашишлари мумкин.

## ЯНГИ РЕЙТИНГ ЖАДВАЛИ

ФИФА ташаббуси билан пляж футболу бўйича терма жамоаларнинг янги рейтинг жадвали эълон қилинди.

Унга кўра Ўзбекистон терма жамоаси 57-ўринга лойиқ кўрилди. Аввалги рейтингда 52-ўринда қайд этилган терма жамоамиз бу сафар беш поғона пастанда. Осиё миқёсида Эрон ҳамон етакчилик қилаётган бўлса, Япония ва Уммон терма жамоалари фахри 2, 3-ўринларни эгаллашди.

Жаҳон рейтингини Португалия терма жамоаси карвонбоши сифатида бошқараётган бўлса, ундан кейинги ўринларда Россия ва Бразилия терма жамоалари боршмоқда.

Акбар Йўлдошев

# ЁШ ШАХМАТЧИЛАР РАҒБАТЛАНТИРИЛДИ

Мамлакатимизда спортни ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб этиш борасида амалга оширилаётган ислохотлар негизда халқимиз, айниқса, ёшларимизнинг саломатлигини ҳамда уларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этишдек эзгу мақсадлар мужассам. Ёшлар ўртасида спортнинг шахмат турини янада кенгроқ оммалаштириш ва ҳаваскор ёш шахматчиларни рағбатлантириш мақсадида "Қамолот" шахмат тахтаси Республика турнирининг Олмазор туман босқичи бўлиб ўтди.

Мусобақада 5 та 8, 12, 14, 16 ёшгача ва 19 ёшдан катта бўлмаган ёшлар тоифаси бўйича туманда жойлашган умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-хунар коллежлари ҳамда минтақавий босқичларда голиб бўлган 100 нафар ёшлар ўзаро куч синашдилар.

Ақлни чархлайдиган мазкур мусобақада қизгин ва муросасиз кураш олиб бораётган ёш-ўғил қизлар орасидан голибни аниқлаш бироз қийин кечган бўлсада, ҳайъат аъзоларининг уларга қўйган баҳолари натижа-сида 8 ёшгача бўлган ўғил болалар ўртасида Рафик Усмонов, қизлар ўртасида Му-би-

на Рашидова, 12 ёшгача бўлган ўғил болалардан Абдумалик Саидназаров, қизлар ўртасида Фарангиз Қиличева, 14 ёшгача бўлган ўғил болалардан Олим Пўлатов, қизлар ўртасида Ҳабиба Ақузиева, 16 ёшгача бўлган ўғил болалардан Ботир Абдурахимов, қизлардан Сарвиноз Қиличева, 19 ёшдан катта бўлмаган ўғил-қизлардан Фотиҳ Абдуҳалиқов ва Малика Маннопова каби ёш шахматчилар голибликни қўлга киритди.

Мусобақа голиб ва совриндорлари тур-нирининг Тошкент шаҳар босқичида ишти-рок этиш учун йўлланма олишди.

Зафар НАЗАРОВ

## ЖАҲОНДА

• АҚШнинг энг йирик онлайн савдо компанияларидан бири ҳисобланмиш "Amazon" тез орада Буюк Британияда 5 мингта иш ўринлари ташкил этиши ва шу тарихда ушбу мамлакатда корхона ишчи-ҳодимларининг сони жама 24 мингтага етишини маълум қилди. Шунингдек, компания фаолиятининг кенгайтирилиши му-носабати билан жорий йил охиригача Ев-ропа мамлакатларида яна 15 мингта янги иш ўринлари яратилади.

• Филиппиннинг Минданао оролининг соҳилларида маҳаллий аҳоли бир нечта антика жонзотлар жасадини топишди. Таъ-кидланишича, улар чуқур сув остида яшай-диган денгиз илонлари бўлган. Денгиз илонлари сув сатҳидан ярим километрча чуқурликда яшайди. Шунинг учун одам-лар уларга камдан-кам ҳолларда учрай-дилар. Ханузгача денгиз илонлари батаф-сил ўрганилмаган. Одатда, олимлар улар-нинг тирик ҳолда эмас, балки соҳилларга чиқариб ташланган жасадлари билан иш кўришларига тўғри келади.

• "Coogle" компанияси илмий ҳодимла-ри "CrossCheck" лойиҳаси ишга туширил-ганини маълум қилишди. Бу лойиҳа шуб-ҳали ёки сохта маълумотларни текшириш ёки аниқлик киритишга ёрдам беради. Зеро, "CrossCheck"дан кўзланган асосий мақсад браузерда онлайн тарзида пайдо бўладиган янгиликларнинг ҳақиқийлигини текширувчи воситаларни такомиллаштириш-дан иборат. Маълумотларга кўра, мазкур хизмат Францияда мамлакат президентли-гига сайлов жараёнида синовдан ўтказила-ди.

## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

### ХУРМАТЛИ ТАДБИРКОРЛАР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР!

Давлат рақобат кўмитаси Тошкент шаҳар ҳудудий божқармаси томонидан 2017 йил 7 апрелда ўткази-ладиган тўғридан-тўғри музокараларни олиб бориш йўли (оммавий оферта) билан сотиладиган давлат активларини сотиб олишга таклиф этади.

Давлат активларини сотиб олиш шартлари қуйи-дагича:

- янги юқори сотиб олиш баҳосини таклиф этиш;
- ушбу давлат активлари учун энг камида жадвал иловаларида келтирилган миқдорда инвестиция киритиш мажбуриятларини олиш;
- янги ишчи ўринлари ташкил этиш;
- сотиб олиш тўлови ва инвестиция мажбуриятла-рини қисқа муддатларга (бўйруқ иловаларига муво-фиқ жадвалларда келтирилган) амалга ошириш.

Савдоларда қатнашиш учун тақдим этилади-ган ҳужжатлар:

- сотувчининг банк ҳисоб рақамига объектнинг бошлан-

ғич нарҳидан 15 фоиздан кам бўлмаган закалат суммаси;

- таклифлар (бизнес-режалар) ва керакли ҳужжатлар солинган ҳамда елимлаб ёпиштирилган, имзо билан тас-диқланиб, муҳрланган конвертлар, икки нусхада.

Савдо голибига божқарманнинг бўйруғи қабул қилин-ган санадан бошлаб йигирма кун муддат ичида олди-сотди шартномасини имзолаш шарти юклатилади.

Савдоларда иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш оферта савдоси бошланиш-ига 1 иш кунини аввал соат 16.00да тўхтатилади.

Музокаралар 2017 йил 7 апрель кuni соат 16.00да Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темуր шoҳ кўчаси, 16"А"-уй манзилида ўтказилади. Ушбу кун сав-долар бўлмаган тақдирда, 2017 йил 24 апрель, 10, 25 май, 9, 26 июнь ва 11, 26 июль кунлари соат 16.00 да Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темуր шoҳ кўчаси, 16"А"-уй манзилида ўтказилади.

Мурожаат учун телефон: 233-35-08.

### Оммавий оферта савдоларига такоран чиқарилаётган давлат активлари рўйхати

№	Объект номи ва жойлашган манзили	Бино ва ишоотлар эгаллаган майdonи (кв.м)	Балансда сасловчи ташкилот	Бошланғич баҳоси (сўм)	ПҚ/ВМҚ	Инвестиция мажбурияти (сўм)	Инвестиция киритиш муддатлари
1	Тошкент шаҳар, М.Улуғбек тумани, Мустақиллик шoҳ кўчаси, 105-уй манзилида жойлашган маъмурий бино	1908	Тошкент шаҳар ҳокимлиги Бинолардан фойдаланиш департаменти	6 347 024 535	31.12.2015 №ПП-2463		
2	Тошкент шаҳар, М.Улуғбек тумани, Мустақиллик шoҳ кўчаси, 107-уй манзилида жойлашган маъмурий бино	7550	Тошкент шаҳар ҳокимлиги Бинолардан фойдаланиш департаменти	26 360 682 756	31.12.2015 №ПП-2463	- энг юқори сотиб олиш баҳосини таклиф этиш; - қўшимча инвестиция мажбуриятини олиш; - янги иш ўринларини ташкил этиш; - харид қиймати ва қўшимча инвестиция киритишнинг қисқа муддатларда амалга ошириш	
3	Тошкент шаҳар, М.Улуғбек тумани, Мустақиллик шoҳ кўчаси, 109-уй манзилида жойлашган маъмурий бино	3618	Тошкент шаҳар ҳокимлиги Бинолардан фойдаланиш департаменти	11 725 972 832	31.12.2015 №ПП-2463		

### "Best realtor" МЧЖ бошланғич баҳоси босқич-ма-босқич олиб бориш тартибида ўтказилади-ган очик аукцион савдоларига таклиф этади!

Савдога Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Республика Суд департаменти томонидан, ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 2012 йил 16 февралда-ги ЖСХ-1-69/12-сонли ижро ҳужжатига асосан, Тош-кент вилояти, Қибрай тумани, Оқ ҳовоқ ҚФЙ, Оқ олтин маҳалласида жойлашган, ер участкасининг умумий май-дониди 670 кв.м., қурилиш остидаги участка майдониди 174,08 кв.м., конструкция тури гиштли, асосий бино-лар сони 1 та бўлган дала ҳовли қўйилмоқда. Бошлан-ғич баҳоси — 117 224 000 сўм.

Аукцион савдолари 2017 йил 12 апрель кuni соат 11:00дан бошлаб ўтказилади.

Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақ-ти). Аризаларни масофадан туриб [www.emulk.uz](http://www.emulk.uz) сайти орқали онлайн тарзида топшириш мумкин. Аризаларни қабул қилишнинг охириги муддати: 2017 йил 10 апрель кuni соат 18:00.

Савдога қўйилган мулк билан Ўзбекистон Республи-каси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Республика Суд деп-партаменти вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиз-дан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, тўлов ҳуж-жатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "Best realtor" МЧЖнинг АТБ "Kapitalbank" Тошкент ша-ҳар филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тулашлари шарт: х/р: 20208000500433601001, МФО: 00445. ИНН: 303179580.

Манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Осиё кўчаси, 1-уй, Телефон: (99895)193-01-11. [www.emulk.uz](http://www.emulk.uz), [bestrealtor@inbox.uz](mailto:bestrealtor@inbox.uz).

Лицензия RR-0225.

**"ТОШКЕНТ ОҚШОМИ" ва "ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ"**

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар кuni соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (371) 232-11-39. Манзил: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 225-хона.